

Яккасарой туман Давлат Хизматлари Маркази
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ
(тузиш, муҳим ўзгартириш, қўшимча, бекор қилиш)
Биррақлибгина тавола чизиқли
№ 2291034
2019 й 24 июль

“GIDROPROEKT” aksiyadorlik
jamiyati aksiyadorlarining
2019 йил 28 июндаги 40-сон умумий
йиғилиши баённомаси билан



“GIDROPROEKT” AKSIYADORLIK JAMIYATINING USTABI

1.4. Жамиятнинг тузилма формаси:

Давлат тилида: “GIDROPROEKT” aksiyadorlik jamiyati

Рус тилида: Акционерное общество “ГИДРОПРОЕКТ”

Иंगлиз тилида: Joint Stock Company “GIDROPROEKT”

Жапон тилида: Акционерная фирма

Полит тилида: “GIDROPROEKT” AJ

Рус тилида: АО “ГИДРОПРОЕКТ”

Иंगлиз тилида: JSC “GIDROPROEKT”

1.5. Жамиятнинг қўйилган ери ва почта каттабеси:

100100, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси,
20-йў.

1.6. Жамиятнинг электрон почта манзили: gidroproekt@uz

1.7. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.gidroproekt.uz

1.8. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган ва давлат ўлчамлари билан мослашган маълумотга эга бўлади.

1.9. Жамият қрилик вақти бўлиб, у ўз мулкнинг белгиланган асосий ота-бобидан алоҳида мол-мулкка, шу жумладан унинг устидан қўйилган ҳисса қисми билан берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан қўшимча ва шаклий қўшимча ҳуқуқларни қўшимча қилиб олишга ҳақлиқ, қўшимчага қўшимча қилишга, судда қўшимча ва қўшимча бўлиши мумкин.

1.10. Жамият ўзининг форма номида ҳақ-толов тўлиқ тўлиқ қилиб қўйилган ҳисса қисми билан қўшимча қилишга ҳақлиқ ва қўшимча қилишга ҳақлиқ бўлиши мумкин. Ҳақ-толов бар қисмини ўзининг қўшимча қилиш билан қилишга ҳақлиқ бўлиши мумкин.

Жамият ўзининг асосий қўшимча қилишга ҳақлиқ бўлиши мумкин. Ҳақ-толов қўшимча қилишга ҳақлиқ бўлиши мумкин.

Тошкент шаҳри – 2019 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «GIDROPROEKT» акциядорлик жамиятининг (бундан буён матнда "жамият" деб юритилади), мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни (бундан буён матнда "Қонун" деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш давлат кўмитасининг (ҳозирда Давлат рақобат кўмитаси) 1995 йил 28 июндаги 328пп-р – сонли “Тошгидропроект” давлат корхонасини акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисидаги қарори асосида ташкил этилган.

Жамият Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Хоқимияти томонидан 1995 йил 20 сентябрда очиқ акциядорлик жамияти шаклида 1525-сонли реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Жамият Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш Инспекцияси томонидан 1998 йилнинг 30 декабрида акциядорлик жамияти шаклида 1778 сонли реестр тартиб рақами билан қайта давлат рўйхатидан ўтказилган.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Давлат тилида: “GIDROPROEKT” aksiyadorlik jamiyati

Рус тилида: Акционерное общество “ГИДРОПРОЕКТ”

Инглиз тилида: Joint-Stock Company “GIDROPROEKT”

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Давлат тилида: “GIDROPROEKT” AJ

Рус тилида: АО “ГИДРОПРОЕКТ”

Инглиз тилида: JSC “GIDROPROEKT”

1.5. Жамиятнинг жойлашган ери ва почта манзили:

100100, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 20 уй.

1.6. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@gidroproekt.uz

1.7. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.gidroproekt.uz

1.8. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.9. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондида (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.10. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи

иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.11. Жамият фаолият кўрсатиш мuddати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

1.12. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

1.13. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.14. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

1.15. Филиал Жамиятнинг Жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

Ваколатхона Жамиятнинг жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган, унинг манфаатларини ифодалайдиган ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари Жамият томонидан тайинланади ва Жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик Жамият зиммасида бўлади.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

1.16. Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Шўъба хўжалик жамияти Жамият мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Шўъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга Жамият бундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба хўжалик жамияти томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба хўжалик жамияти билан солидар жавобгар бўлади.

Агар Жамият хўжалик жамиятининг овоз берувчи акцияларининг (улушларининг) йигирма фоизидан ортиғига эга бўлса, хўжалик жамияти тобе деб эътироф этилади.

1.17.Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Жамият, шунингдек нотижорат ташкилотларда иштирок этиши мумкин.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир.

2.2. Жамият ўз мақсадларига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг куйидаги турларини амалга оширади:

- қурилиш жараёнида инжиниринг;
- қурилиш лойиҳаларини экспертизасини ўтказиш;
- катта, ўрта ва кичик гидроэлектростанцияларини, суғориш ва сув билан таъминлаш комплекс гидроузелларини, бошқа гидротехник ускуналарини (суббосимли, сув ўтказувчи, тартибга солувчи ва бошқалар) ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қайта таъмирлаш ва модернизация қилиш;
- ёнғиндан сақлаш автоматика воситаларни, қўриқлаш, ёнғин ва ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияларни лойиҳалаштириш, таъмирлаш, ишга тушириш, созлаш, техник хизмат кўрсатиш;
- кўприкларни ва тоннелларни лойиҳалаштириш;
- қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш пудрад ишларини амалга ошириш;
- муҳандислик қидирув ишлари;
- сув оқимидан комплекс фойдаланиш схемасини, техник иқтисодий ҳисоб-китоблар ва исботларни, ишчи ҳужжатлари лойиҳасини, шунингдек тендер ҳужжатларини, конструкция ва иншоотлар модел ва натура ҳолатларида текширишни ишлаб чиқиш, натура ҳолатда кузатиш ишлари;
- маслаҳат ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш;
- аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш;
- тижорат ва воситачилик фаолияти;
- ўзининг тижорат, озиқ-овқат, универсал фирма дўконлари тармоғини ташкил қилиш;
- ташқи иқтисодий фаолият
- қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

2.3. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамият устав капитали **1 384 848 600** (бир миллиард уч юз саксон тўрт миллион саккиз юз қирқ саккиз минг олти юз) сўмни ташкил қилиб, у ҳар бирининг номинал қиймати **1 450** (бир минг тўрт юз эллик) сўм бўлган **955 068** (тўққиз юз эллик беш минг олти саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга бўлинган.

Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш

3.3. Жамиятнинг устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Кўшимча акциялар жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати **1450** сўм бўлган **1 000 000** (бир миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

3.6. Устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.7. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.

3.8. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.9. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда - овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

3.10. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

3.11. Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.12. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилаётганда жамиятнинг кўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини кўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

3.13. Солиққа оид ёки давлат олдидagi бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталидagi давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

3.14. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши

мумкин.

3.15. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

3.16. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ, ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий бўлиб, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади.

Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

4.2. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

4.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.4. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.5. Жамият бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

4.6. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Жамиятнинг корпоратив облигациялари жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

Жамият томонидан жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

V. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.

5.4. Жамият захира фондига Ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

5.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

VI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

6.1. Жамиятни бошқариш органлари қуйидагилардан иборат:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
Кузатув кенгаши;
Ижроия органи (Директор).

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

7.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши) умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили одатда июн ойининг учинчи жумасида ўтказилади.

7.3. Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар (акциядор) умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

7.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади:

кузатув кенгашини сайлаш;
тафтиш комиссиясини сайлаш;

Жамиятнинг директори ва унинг ўринбосарлари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалани ҳал этиш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бизнес-режаси ижроси бўйича ҳисобот;

Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари;

фойда ва зарарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз

ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш.

Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

7.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

7.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйдагилар киради: жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ;

тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек, тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 35 моддасида ва мазкур уставда назарда тутилган қарорлар қабул қилиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 8-бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф

активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 9-бобига асосан Жамиятнинг аффилиланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;

ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

7.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиш имкони берилади.

7.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

7.10. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

7.11. Жамиятнинг миноритар акциядорлари ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

7.12. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

VIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

8.1. Жамият кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

8.2. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони **беш** кишидан иборат.

8.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:
жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибни белгиловчи низомни тасдиқлаш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини, шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик

текширувидан ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклларида тузилади);

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;

кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия орган раҳбари, ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8.4. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортик номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият

кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

8.5. Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

8.6. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, Жамият Бош директори билан меҳнат шартномасини имзолайди.

8.7. Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

8.8. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

8.9. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

8.10. Мажлисда кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

8.11. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

IX. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

9.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати Жамият директори томонидан амалга оширилади.

Жамият директори қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Жамиятнинг ижроия органи (Директор) тўғрисида”ги низом асосида иш юритади.

9.2. Жамият директорининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамият директори Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

9.3. Жамият директори ваколатига қуйидагилар киради:

Устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилади;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

банкларда ҳисоб рақамлар, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади;

Жамият мижозлари ва бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;

ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол мулки ва пул маблағларини тасарруф этади;

Жамият филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини лавозимига тайинлайди ва лавозимидан бўшатади;

штатларни белгилайди, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлайди, Жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб турилишини таъминлайди;

Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлари, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлайди;

Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлайди;

Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқишига раҳбарлик қилади;

Жамиятнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлайди;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этади;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан унумли фойдаланиш чораларини кўради;

Жамият ходимларининг ижтимоий қафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлайди;

Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилади;

қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва “Ижроия органи (Директор) тўғрисида”ги низомга мувофиқ директор ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал этади.

9.4. Жамият директори қуйидагиларга ҳақли:

ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилади;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида лавозимга эга бўлиши мумкин;

Хақ олиш;

Директор бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9.5. Жамият директорининг мажбуриятлари:

Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамият Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобот бериш;

акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборотларни олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни тегишли тарзда ошкор этилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этилишини таъминлайди;

Жамият активлари мажлисларини ўтказишни ташкил этиш;

Жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

Жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан унумли фойдаланиш чораларини кўриш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш;

Жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, «Ижроия органи (Директор) тўғрисида»ги Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

9.6. Жамият директори ҳар чорақда Жамият Кузатув кенгаши олдида Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан ҳисобот беради.

Жамият директори Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида молия йили яқунларига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот беради.

9.7. Жамиятнинг директорини лавозимига сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига кўра амалга оширилади.

Жамият директорини сайлаш (тайинлаш) чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

9.8. Жамият директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун ҳужжатларида, Жамият Уставида, Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Ижроия органи (Директор) тўғрисида”ги низомда ҳамда у Жамият билан бир йил муддатга тузадиган меҳнат шартномасида белгиланиб, меҳнат шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Меҳнат шартномаси Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг директори билан тузиладиган меҳнат шартномасида унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

9.9. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг директори билан тузилган меҳнат шартномасини, агар у Жамият Уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

9.10. Жамиятнинг директорига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади.

Х. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Тафтиш комиссияси

10.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

10.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколати:

бир йиллик давр ичидаги фаолият якунлари бўйича Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш;

бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра хулоса тузиш;

Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани тайёрлаш;

Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқиш.

10.3. Айти бир шахс Жамият тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айти шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

10.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Жамиятнинг ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига такдим этиши шарт.

10.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, Акциядорлар умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни такдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

10.6. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чорақда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган хулоса Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

10.7. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини ёзма равишда талаб қилишга ҳақли.

10.8. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколати ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низомда белгиланади.

10.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамият Тафтиш комиссия аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ёки Тафтиш комиссия аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига белгиланади.

10.10. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган "Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида"ги низомда белгилаб қўйилади.

Ички аудит хизмати

10.11. Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

10.12. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг

тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, устав капиталидаги 50 фоиз улуш Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказиладиган операциялар, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

10.13. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомда белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)

10.14. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

10.15. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

ХИ. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

11.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият директорининг зиммасида бўлади.

11.2. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилади.

Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган йиллик ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкрий манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

11.3. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

11.4. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

ХП. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Устав бўйича белгиланмаган қоидалар Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига асосан амалга оширилади.

12.2. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йули билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

12.3. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йули билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

12.4. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

“ГИДРОПРОЕКТ” АЖ
директори





Султано
процессуально
18 (восемна-
цать) листов
кар АИРБ Тамт-

